



ТОШКЕНТ ҲАҚИКАТИ

2012 йил
31 март
ШАНБА
№ 25
(12.453)

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

www.th.uz

ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК

ҲУНАРМАНДНИНГ ҲАР ИШИ – САНЪАТ НАМУНАСИ

Зангиоталик Наргиза Шерхўжаева 2008 йилдан буён миллий ҳунармандчилик билан шуғулланади. Унинг бир-биридан бежирим сўзана, ним сўзана, каштачилик, тикувчиликка оид санъат намуналари ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди.

– Касб-ҳунар коллежида таҳсил олган пайтларим миллий либослар, турли услубдаги сумка, этик, костюмлар яратиш иштиники ўзига ром этди, – деди Наргиза Шерхўжаева. – Таҳсилни тугатгач, давлатимиз яратиб бераётган имкониятлардан фойдаланиб, ҳунармандлар уюшмасига аъзо бўлдим. Устозлар кўмаги билан кўргазма ва танловларда

иштирок этиб, истеъдодимни намоён қилмоқдаман. Шу даражага етиб келишимда, албатта, устозим Илҳом Давлатовнинг ҳиссалари катта бўлди. Ҳунаримни тенгдошларимга ҳам ўргатмоқдаман.

Юлдузхон МУҲИДДИНОВА.
СУРАТДА: Наргиза Шерхўжаева ўз ижод намуналари билан.
Даврон АҲМАД олган сурат.



ЎЗБЕКИСТОНДА ГЕРМАНИЯ ИЛМ-ФАНИ КУНИ

Тошкентда Ўзбекистонда Германия илм-фани куни мавзусида семинар бўлиб ўтди

Тадбир Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш кўмитаси, Германия таълим ва илмий тадқиқотлар федерал вазирлиги ҳамда мазкур давлатнинг мамлакатимиздаги элчихонаси ҳамкорлигида ташкил этилди. Унда икки мамлакатнинг тегишли вазирлик ва идоралари, илмий-тадқиқот институтлари ҳамда халқаро ташкилотлар вакиллари, олим ва мутахассислар иштирок этди. Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш кўмитаси раиси Ш. Солиҳов Ўзбекистон билан Германия ўртасидаги ўзаро алоқалар, илм-фан йўналишида ҳам илмий ривожланиб бораётганини алоҳида таъкидлади.

Президентимиз раҳнаомлигида мамлакатимизда илм-фан тараққиётини жадаллаштириш, таълим, фан ва ишлаб чиқариш интеграциясини таъминлаш, илғор технологияларни ўзлаштиришга алоҳида эътибор қаратишмоқда. Бу борадаги ишлар самарасини янада юксалтиришда халқаро ҳамкорликни ривожлантириш муҳим аҳамият касб этмоқда. Ўзбекистон ва Германия олий таълим муассасалари, илмий-тадқиқот институтлари ўртасида фаол алоқалар йўлга қўйилган. Улар доирасида саноат, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, табиий заҳиралардан оқилона фойдаланишнинг замонавий йўналишларида биргаликда тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Биз Ўзбекистон билан илм-фан йўналишида ўзқўйиллардан буён самарали ҳамкорлик қилиб келамиз, – деди Германия таълим ва илмий тадқиқотлар федерал вазирлиги департаменти директори Михаэл Шлихт. – Мазкур анжуманда Германиянинг нуфузли илмий-тадқиқот институтлари, етакчи олий ўқув муассасалари ва киллари, олимлар иштирок этаётгани ҳам бу йўналишдаги ҳамкорлигимиз изчил мустаҳкамлашиб бораётганидан далолатдир. Ўзбекистонлик олимлар ва бу ердаги олий ўқув юртлиги билан ўзаро ҳамкорлик алоқаларини янада тараққий эттириш ниятидамиз. Ўзбекистон раҳбарияти томонидан мамлакатингиз таълим тизимини модернизация қилиш ва ривожлантириш борасида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар юксак самаралар бераётди.

Ирода УМАРОВА,
ЎЗА мухбири.

ҚОНУН ВА ИЖРО

ДОЛЗАРБ МАСАЛА МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Вилоятимизда уч тоифада 37 та йирик ва муҳим гидротехник иншоотлар ишлаб тургани. Республика Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Мудоффа ва ҳавфсизлик масалалари кўмитаси мажлисида "Гидротехника иншоотларининг хавфсизлиги тўғрисида"ги Қонуннинг вилоятимизда ижро этилишини ўрганиш якунлари алоҳида талабчанлик билан муҳокама қилинганлигини боиси ана шунда.

Мажлисни кўмита раиси Қодир Жўраев бошқарди. Кўмита ишчи гуруҳининг аъзоси Худоев Мамаатовнинг "Гидротехника иншоотларининг хавфсизлиги тўғрисида"ги Қонуннинг вилоятдаги ижросини ўрганиш якунлари, вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Олимжон Нурматовнинг қонунни ижро этиш борасида вилоят ҳокимлиги олиб бораётган ишлар тўғрисидаги маърузалари тингланди ва муҳокама қилинди.

Ўтилдики, вилоят, шаҳар ва туманлар ҳокимликлари, сув хўжалиги ташкилотлари мавжуд иншоотларни таъ-

мирлаш, улардан оқилона фойдаланиш борасида мўайян ишларни амалга оширишти. Шу билан бирга бу муҳим ишда баъзи камчиликлар ҳам йўқ эмас. Чунки, мазкур қонун ижросини ўрганиш, камчиликларни бартараф этиш борасида етарли иш олиб борилмаган. Барча иншоотларда ҳам алоқа-хабарлаш тизимлари муккамал эмас.



«Туркистон-пресс».

2012 ЙИЛ – МУСТАҲҚАМ ОИЛА ЙИЛИ

МАТБУОТ АНЖУМАНИ

ҲУҚУҚ ВА МАНФААТЛАР ҲИМОЯДА

Мамлакатимизни демократик янгилаш, қонун устуворлиги ва қонунийликни мустаҳкамлаш, шахс ҳуқуқи ва манфаатларини ҳимоя қилиш жараёнида Ўзбекистон қасаба уюшмаларининг ўрни алоҳи-

да. Меҳнатқашларнинг бу энг оммавий ташкилоти иш берувчилар билан ижтимоий шериклик асосида қонунларда белгиланганидан ҳам зиёда ҳуқуқ ва имтиёзлар билан таъминлашга эришмоқда.

қамраб олган.

Ийгиликлар қасаба уюшмалари ва уларнинг қўйи ташкилотлари ишловчиларнинг меҳнат ҳуқуқлари ва бошқа манфаатларини ҳимоялаш, меҳнат муҳофазасини кучайтириш, меҳнатқашлар ҳамда уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш, оммавий спортни ривожлантириш, маънавий-маърифий ишлар кўламини кенгайтириш юзасидан олиб бораётган ишлари самараси билан таништирилди. Журналистлар ўзларини қизиқтирган қўлаб саволларга оидиники қиритиб олишти. **Комил АЛИЕВ.**

Бу қўшимча ҳуқуқ ва имтиёзлар Вазирлар Маҳкамаси, Қасаба уюшмалари Федерацияси кенгаши ва Савдо-саноат палатаси ўртасида 2011-2013 йиллар учун имзоланган ижтимоий-иқтисодий масалаларга оид бош келишувда муҳрлаб кўйилган. Шу асосда ҳудудий ва тармоқ келишувлари, қорхона, ташкилот ва муассасаларда имзоланаётган жамоа шартномаларида ҳам меҳ-

нат ҳуқуқлари ва ижтимоий манфаатдорлик бўйича янада юқорироқ имтиёзлар кўзда тутилаётди.

Ўзбекистон Қасаба уюшмалари Федерацияси кенгаши Миллий матбуот марказида оммавий ахборот воситалари ходимлари учун "Меҳнатқашларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳамда саломатликларини мустаҳкамлаш йўлида олиб борилётган ишлар тўғрисида" мавзую-

Замонавий технологияларнинг ҳаётимизга шиддат билан кириб келиши ахборотнинг кенг қўлама, қулай ва эркин ёйилишига хизмат қилмоқда. Аmmo, танганинг иккинчи томони бўлгани каби, замонавий ахборот технологияларидан мўмай даромад олинишда фойдаланиб қолишга уринувчи кимсалар ҳам йўқ эмас. Хусусан, бугун мамлакатимиз ва хорижда тайёрланган фильмлар, турли концерт ва бошқа материалларни ноқонуний кўпайтириш сотаётган видеоқорқоччилар муаллифликка оид ҳуқуқларини қўпол равишда бузаётганларини ёки хорижий ур-йиқит, шовқин-сур ва баъзида беҳаё фильмларини кенг тарқатиш ёшларимиз маънавиятига жиддий путур етказишини билишармикин?

МУАЛЛИФЛИК ҲУҚУҚИ – БОЖЖОНА НАЗОРАТИДА

Юртбошимизнинг "Кинематография соҳасида бошқаришни такомиллаштириш тўғрисида"ги Фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг "Кинематография соҳасининг ишлаб чиқариш, кўпайтириш, дубляж қилиш, сотиш ва уларнинг прокати бўйича фаолият турларини лицензиялаш тўғрисида"ги Қарори ижросини таъминлаш мақсадида Давлат божжона кўмитасининг Тошкент вилояти божқармаси ҳам қатор ишлари амалга оширмоқда. Вилоятимиз божжоначилари айни пайтда мамлакатимиз ва хорижда тайёрланган фильмлар, турли концерт ва бошқа материалларни ноқонуний кўпайтириш, муаллифликка оид ҳуқуқларни бузаётган видеоқорқоччиларга қарши чора-тадбирларни кучайтиришмоқда. Хусусан, вилоят божжона божқармаси қонун бузарлардан олиб қўйилган сифати кафолатланмаган турли видео маҳсулотлар, шунингдек, инсон руҳини таъсир этувчи хорижий ур-йиқит, шовқин-суронли, баъзи беҳаё фильм ва концертлари ёзилган дискларни кенг жамоатчилик иштирокида йўқ қилмоқда.

2011 йил давомида вилоятимизга 2394 дона, 2012 йилнинг ўтган даврида эса, 777 дона лицензияланмаган хориж фильмлари, концерт ҳамда

бехаёликни тарғиб қилувчи DVD дисклар кириб келгани аниқланди. Жумладан, 2012 йил 19 январь куни Қозғоғистон Республикасидан "Ғишт-кўприк" чегара божжона мажмуасига пиёда кириб келётган Ўзбекистон Республикаси фуқароси И. Турсунова ва ўзи тасдиқлаган Т-6 божжона декларациясида кўрсатилмаган 200 дона хорижий видеофильмлар ёзилган контрафакт DVD дисклар борлиги аниқланди.

Шунингдек, 2012 йилнинг 15 февраль куни Россия Федерациясидан Қозғоғистон Республикаси орқали Ўзбекистонга "Ғишткўприк" чегара божжона мажмуасидан пиёда киришга уринган Ўзбекистон Республикаси фуқароси И. Тощобевдан ўзи тасдиқлаган Т-6 божжона декларациясида кўрсатилмаган жами 150 дона (42 дона беҳаё мазмундаги ва 108 дона хорижий видеофильмлар) контрафакт DVD дисклар топилди.

Мазкур ҳолатлар юзасидан ҳуқуқбузарларга нисбатан тегишли чоралар кўрилиб, ушлаб қолинган далилий ашёларни мутасадди идоралар билан ҳамкорликда йўқ қилиш чоралари кўрилмоқда.

Иномжон ТУРДИЕВ,
вилоят божжона божқармаси масъул ходими.

ДИҚҚАТ, «ТОЗА ҲАВО» ТАДБИРИ!

Мамлакатимизда Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Ички ишлар ва Соғлиқни сақлаш вазирликлари қўшма бўйруғига асосан 1996 йилдан буён "Тоза ҳаво" тадбири ўтказиб келинмоқда. Умуман, автотранспорт воситаларининг кескин кўпайиши сабабли ишлатилган газлардан ҳосил бўлаётган ифлосланувчи моддалар устидан назорат йилдан-йилга кучайтирилмоқда.

Вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси, йўл-ҳаракат хавфсизлиги бошқармаси ва давлат санитария-эпидемиология назорати маркази ходимлари билан бирга вилоят ҳудудидаги назорат постларида "Тоза ҳаво" тадбирининг 1-босқичини ўтказиш мақсадида ҳамкорликдаги қўшма чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, тасдиқланди. Унга кўра, 9 та кўзгалмас ва 9 та ҳаракатдаги постлар тадбирини ўтказиш нуқталари этиб белгиланди. Шунингдек, автотранспорт воситаларига эга бўлган саноат қорхоналари кириш-чиқиш йўлларида ҳам қорхонадан чиқаётган автотранспорт воситалари экологик ва санитария назоратидан ўтказилди. Тадбир жараёнида табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси газанализаторлар (токсик даражани) ва тутун қалинлигини ўлчовчи асбоблардан фойдаланади.

Автомобиль бошқарувчилари автотранспорт воситаларини экологик ва санитария кўригидан ўтказиб қўйишлари лозим. Агар сизнинг автомобилнинг экологик ва санитария талабларига жавоб бермаса ва Ойлик давомидида назоратга тунсангиз, сиз маъмурий жавобгарлик кодексида назарда тутилган тартибда жавобгарликка тортиласиз.

Х. АЗИМКҮЛОВ,
вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси давлат инспектори.

«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ

«ГЕЗ ПУЛ ЎТКАЗИШ» хизмати

Почта алоқаси хизматларидан фойдаланинг!

Тел: 237-21-93; 237-16-24

Сайт: www.pochta.uz; e-mail: oao@post.uz

АНЖУМАН

ДИҚҚАТ МАРКАЗИДА – ҲУҚУҚИЙ ТАРБИЯ

Хилма-хил мулк шакллари ва бозор муносабатлари шароитида фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини ошириш долзарб вазифага айланди. Зеро, ҳуқуқий билимдонлик, ҳар бир инсон ўз ҳуқуқларини аниқ-равшан билиши, улардан оқилона фойдалана олиши эркин фуқаролик жамияти ва демократик ҳуқуқий давлатни мустақамлаш, ижтимоий ва иқтисодий манфаатларини ишончли ҳимоялашнинг асосий шартидир.

2012 йилнинг "Мустақкам оила йили" деб эълон қилиниши ҳуқуқий тарбия ва ташвиқот ишларини кучайтириши тақозо этаётган. Шу боис, вилоят адлия бошқармасида "Жамиятда ҳуқуқий маданиятни янада юксалтириш борасида амалга оширилган ишлар ва келаждаги режалар" мавзусида ташкил этилган матбуот анжуманида амалдаги қонунларнинг мазмун-моҳиятини тарғиб қилишни кучайтириш билан боғлиқ масалалар теварагида кенг фикр олишув бўлиб ўтди.

"Ўздавнефтегаз-инспекция" вилоят бўлими томонидан "Кучлик нефть базаси" унитар корхонасига қарашли ёнилғи тарқатиш шохбчалари раҳбарлари ҳамда фермер хўжаликларини вакиллари иштирокида ёнилғи-энергетика ресурсларини оқилона фойдаланиш, технология жиҳатдан тўғри тасаруф этиш ва тежаш мавзусида семинар ўтказилди.

Йиғилишда таъкидландики, агротехник тадбирларни ташкил этишда нефть маҳсулотларидан оқилона ва самарали фойдаланиш ва уларни тежаш шу куннинг муҳим талабларидан биридир. Айниқса, баҳорги экин мавсуми бошланиши муносабати билан ёнилғи тарқатиш шохбчаларидаги техник-метрологик ҳолатларга эътибор бериш, агротехник жараёнларнинг узлуксизлигини таъминлашда нефть маҳсулотларини белгиланган тартиб ва миқдорда етказиб бериш муҳим эканлиги уқтирилди. Бунинг учун ёнилғи ресурсларини тежаш, оқилона фойдаланиш ҳамда альтернатив ёнилғи турларини жорий этиш лозим.

Таҳлиллардан кўриш мумкинки, сўнгги вақтларда қишлоқ хўжалигидаги механизацияланган ишларнинг тез кўпайиб бораётгани энергетик воситаларга талаб янада ошишига сабаб бўлмоқда. Агар йиллик сарфланаётган ёнилғи-мойлаш ашёларининг бир фоизи иқтисод қилинса, республика миқосида тонналарни ташкил этади ҳамда кўплаб маблағ иқтисод қилинади.

Маълумки, ёнилғи-ларни идишларда сак-

лар ортиқча қизиқ кетса ҳам ёнилғининг буғланиши кучаяди. Идишларнинг қай даражада қизиши у сақланаётган жой ва бўёқ рангига боғлиқ бўлади. Қора рангли идишлардаги йўқотиш

ТЕХНИКАНГ СОЗ – ХАРАЖАТИНГ ОЗ

лашда буғланиш оқибатида йўқотишлар юз беради. Масалан, бир йилда 70 дан 140 килограммга бензин йўқотилади. Шунинг учун ёнилғиларни тўлатилмаган идишларда сақлаш ман этилади. Бир идишни тўлиқ ишлатиш бўлиб, сўнгги иккинчи идишдаги ёнилғини сарфлашга ўтиш мақсадга мувофиқ. Бензин буғланганда ундаги энгил ўт олдириш фракциялари ҳам учиб кетади ва бензиннинг детонацияга турғунлиги пасаяди. Двигателни ўлдиришни ёмонлаштиради ва деталларнинг емирилишига сабаб бўлади. Бундай ёнилғини ишлатиш иқтисодий зарарга олиб келади ва двигателларни 100 фоиз ишлатиш имкониятини карбюраторлар учун 83 фоизга, дизелларни эса 58 фоизга тушириб юборади.

ҚИШЛОҚ МУЛҚДОРЛАРИ

МИРОБДАН ЧИҚҚАН ФЕРМЕР

Олий маълумотли фермернинг иши доимо олға босишни кейинги йиллар тажрибаси яққол кўрсатапти. Қўчқор Оранбоев 1975 йили политехника институтини муҳандис-гидрогеология мутахассислиги бўйича битирган, собиқ "Туркестон" жамоа хўжалигида узоқ йил миروب бўлиб ишлади.

Сугориш шохбчаларини тартибга келтириш, сувни тежаб-тергаб сарфлаш, шу билан бир вақтда экинларни обихаётга тўйдириш орқали мўл ва сифатли пахта ва галла етиштиришда катта тажриба орттирди.

Жамоа ва ширкат хўжаликлари биринкетин тугатилиб, улар ўрнида мустақил фермер хўжаликлари ташкил этилган, Қ. Оранбоев ҳам мўл тажрибасига таяниб, қишлоқ мўлқдори бўлишга дадил қилинди.



2005 йилда ташкил топган "Оранбой ота ўғиллари" бугун Юқори Чирчиқ туманидаги энг илгор фермер хўжалиқларидан бири. Ун аъзодан иборат жамоа ҳар йили 64 гектар майдонда деҳқончилик қилмоқда.

ВАТАНПАРВАРЛИК ТАРБИЯСИ



ЙИГИТЛАР КАСБ ЭГАЛЛАШМОҚДА

Чирчиқ автомобиль мактаби мудофаага кўмаклашувчи шу тоифага кирувчи учта ўқув муассасасининг бири. Уларда ҳарбий хизматга қақирилувчи йигитлар 4,5 ой мобайнида билим олиб, касб эгаллаш, Ўзбекистон Қуролли Кучларида ҳайдовчи бўлиб хизмат қиладилар. Бугун Чирчиқ мактабида 75 йилги ўқитиши бошланыпти.

– Ҳарбий ҳайдовчиларни тайёрлаш хилла сермехнат, мураккаб жараён, – дейди мактаб бошлиғи Анвар Қурбониев. – Автомашиналарнинг тузилиши курсантларимизга чуқурлаштирилган дастур асосида ўргатилади. Бундан ташқари, юк ва энгил автомобилларни ҳайдаш чоғида келиб чиқиши мумкин бўлган вазиятлар ҳисобга олинган махсус дастурлар асосида амалий машқлар ўтказилади.

ҲАР КУНИНГ БЎЛСИН НАВРЎЗ!

Мамлакатимизда умумхалқ байрами Наврўзи олам тантаналари давом этмоқда. Бекобод шаҳар ҳокимлиги, маданият уйи ва бир қатор ташкилотлар ҳамкорлигида катта байрам таабирни ўтказилди.

Эрта тонгдан шаҳар марказий маданият ва истироҳат боғида сумалак, ҳалим тайёрланиб, ош тортилади. Маҳалалараро беллашув ташкил қилиниб, уй бекалари ва ҳунармандлар ўз ижодларини намойиш этдилар. Кам таъминланган олти оила фарзандларига хатна тўйи ўтказилиб, ҳомий ташкилотлар ҳар бир бо-

Жорий йилнинг 1 май кунини "Ҳаёт учун!" хайрия форум-марафони ўтказилди.

“Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми” жамғармаси, Республика “Аёллар кенгаши” жамоат бири-лашмаси, “Ҳаёт учун!” кўчрак беши саратони миллий уюшмаси ташаббуси ва АКШнинг Сьюзен Кормен номидидаги кўчрак саратониға қарши кураш жамғармаси ҳамкорлигида ташкил этилаётган марафон ўзбек аёлларига саратон касалликларини профилактикаси ҳақида маълумот бериш ҳамда уларни бепул маммографик кўриқдан ўтказиш имкониятини бериши билан ҳам аҳамиятлидир.

Халқимизнинг азалий удумлари, миллий қадриятларимиз, меҳр-саховат каби гўзал хислатларни қалбга янада чуқурроқ синғдирувчи Наврўз байрами тантаналари жойларда қизгин давом этапти.

МАҲАЛЛАДА БАЙРАМ

Наврўз муносабати билан Бўқа туманидаги "Наврўз" маҳалласида энг намунали оила – Дилшод Комиловлар хонадонидан байрам уюштирилди.

Онахон ва отахонлар байрам дастурхонини тўридан жой эгаллашди. Ёш келинчақлар иштирокида келин салом маросими ўтказилди. Маҳалладаги ногирон ҳамда кам таъминланган оилаларга ҳомийларнинг совғалари топширилди.

САВОЛ БЕРИНГ, ЖАВОБ ОЛАСИЗ

УСТУВОР ЙЎНАЛИШ – ЁШ ОИЛАЛАРГА ҒАМХЎРЛИК

"Ҳозирги кунда оммавий ахборот воситаларида "Мустақкам оила йили" Давлат дастури ҳақида кўп гапириляпти. Ушбу дастурдаги асосий устувор йўналишлар ҳақида маълумот берсангиз".

2012 йил "Мустақкам оила йили" деб эълон қилинган муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Мустақкам оила йили" Давлат дастури тўғрисидаги қарори эълон қилинди. Унда "Мустақкам оила йили" Давлат дастурини амалга оширишнинг қўйидаги энг муҳим йўналишлари белгиланган.



ИНСОНИЙЛИКНИ УЛУҒЛОВЧИ АЙЁМ

Бугун ҳамма хонадонларда, ҳар бир кўнгида Наврўзи олам куртаклари бўртиб, ниш уриб, барг ёзмоқда. Ўтказилаётган барна тадбирлар, амалий ишлар замирида эртанги кунимизга ишонч, қадриятларимизга чексиз ҳурмат ўз аксини топмоқда.

ОДАМ САВДОСИ

ОЛИЙ ҚАДРИЯТГА ТАЖОВУЗ

Дунё бўйлаб улкан глобаллашувнинг кенг имкониятлари, замонавий ахборот-коммуникация технологияларнинг беқиёс кулайликлари бугунги ҳаётимизда ҳал қилувчи аҳамият касб этаётгани шубҳасиз. Шу билан бирга, бу имкониятлар турли ёвуз сақданларни қўллаган кимсаларнинг инсониятга қарши жиноий қилмишлари кенг тўлиб, дунё бўйлаб тарқалишига ҳам сабаб бўлаётгани чеч кимга сир эмас. Айниқса,

Хусусан, трансмиллий жиноятлар сирасига кирувчи одам савдосининг турли қиринишларидан, яъни юз минглаб эркеклар, аёллар ва болалар меҳнатидан фойдаланиш, шафқатсиз муносабатда бўлиш ва уларнинг азоб-уқубатлари эвазига фойда олиш каби ҳаракатлардан дунёдаги барча мамлакатлар қайсидадир даражада жабр кўрапти. Бу эса, ушбу глобал муаммони имкон қадар ҳал этиш, одам савдосига қарши курашишда халқро микёсда тасвир чораларини кучайтириши тақозо этмоқда. Шундан келиб чиқиб ҳар

жаҳон ҳамжамиятини жиддий ташвишлантираётган трансмиллий жиноятлар глобал муаммо сифатида ҳамон дунё халқларининг тинч-осойишта ҳаёт кечиришига ҳавф солиб турибди. Шу боис, жаҳонда бу жиноятларга қарши ҳамкорликда курашиш қўлами тобора кенгаймоқда. Бинобарин, бу муҳиди жиноятларнинг тўғ илдин инсон ҳуқуқ ва эркинликларини топташ, унинг ҳаёти, шашни, қадр-қимматиға тажовуз қилишға қаратилган.

